



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 май, сешанба №81 (1298)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯПОН ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ япониялик машҳур археолог Кюдзо Като «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Олимнинг халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижда тарғиб этишда катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ана шундай муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида муборак 80 ёшини қаршилаган олимга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотини тантанали топшириш маросими бўлди. Бу ерда К.Като қаламига мансуб асарлар ҳамда Ўзбек-япон илмий ҳамкорлиги самараларини намойиш этувчи махсус кўрғазма ҳам ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кюдзо Катони мамлакатимизнинг юксак ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов ўқиб эшиттирди. У.Кунчиқар юртининг машҳур қадимшунос олимга Ватанимизнинг ушбу мукофотини топширар экан, ўзбек ва япон халқлари маданияти, маънавияти, турмуш тарзида ўзаро муштарак жиҳатлар кўп эканини таъкидлади. Мустақиллик шарофати туйфайли икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама мустақамланиб бораётди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Япониянинг юртимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним, таниқли археолог олим Эдвард Ртвеладзе, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қувондиқ Мадартов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда илм-фан ва маданият тараққиётига улкан эътибор натижаси ўлароқ, юртимиз тарихи, маданияти ва санъатига жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бунга Кюдзо Катонинг Ўзбекистон замининда олиб бораётган узоқ йиллик самарали илмий фаолияти яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов менинг камтарона меҳнатини шундай юксак қадрлаганидан беҳад мамнунман, - деди Кюдзо Като. - Шу сабаб ўзбек халқига, унинг йўлбошчисига таъзим қиламан. Ингирма биринчи юз йиллик барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик асри бўлишига ишонман. Зеро, менга топширилган ушбу орден тимсолида ҳам ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Юртингизга илк бор бундан қирқ йил муқаддам келган эдим. Бироқ бугунги мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёти, халқининг юксак руҳи ва бунёдкорлик салоҳияти барчани хайратга солимоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

**Дунёдаги ҳар бир давлатнинг нуфузи, маданий даражасини белгилайдиган меъёрлардан бири, халқнинг маънавий камолотини ўзида намоён этадиган ҳақиқий кўзгу-жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир.**

Аёл ҳаётимиз кўрки, меҳр-шафқат ва соҳоват тимсолидир. Касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурига аёллар ва ёшларга бағишланган бўлим киритилганлиги, хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминланиши, билим олиши, камол топиши, оилани режалаштириш каби муҳим вазифалар қўйилганлиги бежиз эмас, албатта.

— Мамлакатимизда аёлларга меҳрибонлик кўрсатиш, жамиятда ва оилада уларнинг мавқеини ва нуфузини кўтариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилганлиги, - дейди касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Сабоҳат Мирова. — Вилоят, туман хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда аёлларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги оширилмоқда. Бугунги кунда воҳа-

## 1 УЛАРСИЗ ГҲЛ ОЧМАС САОДАТНИНГ КАМОЛИ

да 1 миллион 160 минг нафардан кўпроқ хотин-қизлар яшаб, меҳнат қилишарди. «Она бола» Давлат дастурининг амалга оширилаётганлиги соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги сайё-ҳаракатлардир. Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Қарши филиалининг очилиши, Яққабоддаги «Оналар ва болалар» санаторийсининг қайта таъмирланиши, олис қишлоқларда врачлик пунктлари ва шифохоналарнинг ишга туширилиши хотин-қизлар, оилалар ва ёшлар тўғрисида кўрсатилаётган ғам-хўрликнинг исботидир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида оналик ва болаликни муҳофазалашнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Тургиш ёшидаги 555 мингдан ортиқ аёллар тиббий кўриқдан

ўтказилди. Аниқланган экстрагенитал касалликларни даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола


лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола

лаштириш, балки аёлларнинг тиббий билимларини даволаш учун виллоят, шаҳар ва туман шифохоналарида махсус бўлимлар очилди. Виллоят марказида ташкил этилган «Она ва бола



Истиқлол берган имкон

**Мустақиллик «Кувасойцемент» акциядорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари, иқтидорли мутахассисларига кенг имконият яратди. Улар зўр кўтаринкилик, уюшқоқлик, ташаббус кўрсатиб ишлаб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Эгаллик ҳисси, миллий гурур, қолаверса, инсон омилига эътибор юксак даражада эканлиги ҳар бир ишловчига руҳ ва мадад бағишламоқда.**

**Кейинги саккиз йил ичида бу ерда 5 миллион тоннадан ортиқ цемент, 400 минг тоннага яқин оҳак, 200 минг тонна алебастр, 823 миллион шартли дона шифер ишлаб чиқарилди. Ўтган йили йиллик даромад 2 миллиард 535 миллион сўмни ташкил этди.**

**Корхона маъмурияти касаба уюшма кўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синналган усулларини амалиётга кенг жорий этмоқдалар. Хориж билан ҳамкорлик қўлами кенгайиб борапти. Эндиликда Фарғона фахри бўлими мазкур улкан корхонада ишлашни кўпчиликлор орзу қилади.**

[Газетамизнинг 2-саҳифасида акциядорлик жамияти ишчиларининг фидойи меҳнати, муваффақиятлар омили, хориж билан ҳамкорлик шарофати ҳақида ҳикоя қилинади].

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

## БАРЧА БАҲРАМАНД

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида фаолият юритиб, меҳнатқашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Ҳар бир тадбирга ҳамisha пухта тайёргарлик кўрилади. Мусобақалар қизиқарли, зўр уюшқоқлик билан ўтиши, улар оммавийлик касб этиши учун катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилади. Эътиборлиси шуки, катта-кичик спорт тадбирлари турли касб кишилари — ишчилар, қурувчилар, алоқачилар, темирйўлчилар, нознеъмат бунёдкорлари саломатлигини мустақамлаш, уларга жўшқинлик, кўтаринки руҳ бағишлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Кунинча Термиз шаҳрида ўтказилган қишлоқ меҳнатқашларининг республика «Саломатлик» спартакиадаси ҳам узоқ вақт кўпчилигининг ёдида сақланиб қолади. Ҳақиқий спорт байрамга айлانган йирик тадбир инсонларнинг жисмоний, маънавий тақомиллашувига катта наф келтирганлигидан ташқари, одамлар ўртасидаги тинчлик, тотувликка, дўстлик ва ҳамкорликка катта хизмат қилганлиги билан бебаҳоидир.

Газетамизнинг туртинчи саҳифасида спартакиада уюнига доир мақолалар билан танишасиз.



## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### МАДРИД САММИТИДА

Испания пойтахти Мадридда катта саммит бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Оврупо Иттифоқи, Лотин Америкаси ҳамда Қариб денгизи ҳавзасида жойлашган 50 дан ортиқ мамлакатларнинг юқори мартабали арбоблари иштирок этдилар. Йўғинда терроризмга қарши кураш, гиёҳвандлик контрабандасининг олдини олиш сингари масалалар билан бирга эркин савдо минтақаларини яратиш муаммоси ҳам ўртага ташланди. Саммитдан кейин Испания бош вазири Хосе Мариа Аснар анжуманининг юқори савияда ўтганлигини ҳамда ўз мамлакатини билан Чили ўртасида иқтисодий муносабатлар юзасидан шартнома имзоланганлигини мамнуният билан қайд этди. Шунини алоҳида эслатиш керакки, бун-

### ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ЎРТАСИДАГИ РИШТА

Кунинча жажоннинг 150 дан ортиқ мамлакатларида халқаро музейлар кунинча нишонланди. Бу сана байрам сифатида 1977 йилда эълон қилинган эди. Шу орада музейлар чиндан ҳам ўтмиш билан келажак ўртасидаги муҳим ришта эканлигини оқлади. Жойларда бўлган учрашуларда, турли хил давраларда музейларнинг тарихини яратишдаги ўрни беқиёс эканлиги таъкидланди. Шунинг учун бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам музейларни ривожлантириш ишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Сўнгги пайтларнинг ўзидаёқ республикамизда музейлар иккитага кўпайди. Шу билан биргаликда тарихий ҳамда санъат музейлари қаторига археологик музей қўшилди. Бойсунда эса кунинча этнографик музей очилди.

### ПАПА ЛАВОЗИМИДАН КЕТМОҚЧИ ЭМАС

Рим папаси — Иоан Павел IIнинг саломатлиги тобора ёмонлашмоқда. 82 яшар ҳазрат паркинсон ва тизза суюлтириш артроти хасталигига йўлиққан бўлиб, бу дардлар унинг хатти-ҳаракатларини жилавляб қўймоқда. Черковдаги унинг аъёнлари бўлмиш кардиналлар ҳам Карол Войтининг Рим черковининг бошлиғи — Понтифик лавозимдан кетишини истаб турибдилар. Аммо Папа ўз лавозимдан воз кечмаслигини билдирди. Агар Папа истеъфода қолса, сўнгги 700 йил ичида ўз истаги билан амалдан кетган биринчи шахс бўлади.

### ТЕРРОРЧИЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бундан бир неча кун муқаддам Исроил ҳарбийлари Женин шаҳрига яна қайта кириб, террорчиларни қидиришга тутинган эдилар. Ушанда ҲАМАС раҳнамоси Аҳмад Ясин Исроилнинг бундай хатти-ҳаракатларидан норози бўлганлигини билдирган эди. Шундан сўнг тозалаш ишлари Наблус шаҳри, Фаза худудларида ҳам давом эттирилди. Исроил томонининг бундай йўл тутганлиги баъзи бир фаластинликларда қаттиқ норозилик уйғотган чоғи. Кунинча Натанья шаҳрида наватбаддаги террорчилик ҳужури амалга оширилди. Тулкарим шаҳрида эса комендантлик соати жорий этилиб, тинтувлар амалга оширилаётган бир пайтда ўзини ўлимага маҳкум этган камикадзе-террорчи ичиндан боғлаб олган қўлбола бомбани портла-

### ЖУРНАЛИСТ ҚАБРИ ТОПИЛДИ

Покистоннинг Карачи шаҳрида террорчиликда гумон қилинган уч нафар киши ҳибсга олинди. Уларнинг дастлабки кўрсатмалари ҳаммани лол қолдирди. Улар Американиннг «Уолл-Стрит журнал» газетасининг мухбири Дениэл Перлиннинг кўмилган жойини кўрсатиб бердилар. Чекка чўлда бўлган мазкур қабрдан журналистнинг мурдаси хали олингани йўқ. Шу йил 23 январда Карачи шаҳрида дом дараксиз йўқолган қалам соҳибининг тақдирига, ниҳоят, аниқлик киритилди. Интернет ва жажон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида таяёрланди.

## БЕКБОДАДА ШОДИЁНА

Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик бирлашмаси пўлат эришти ва металл прокати, ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида бу ерда 15,6 миллиард сўмлик маҳсулот таяёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 фоиз кўпдир. Хорижий истеъмолчиларга 6,7 миллион АҚШ долларини микдорда маҳсулот етказиб берилди.

Корхонада бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш яхши ўзлаштириб олинган. Ишлаб топилган маблағнинг салмоқли қисми 8,5 минг нафардан зиёд жажона аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланмоқда.

Бекободда бўлиб ўтган кон-металлургия саноати ходимларининг касб байрамига бағишланган тантаналарда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Шу кунинча «Металлург» стадионида республика санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди. Турли спорт мусобақалари, савдо ярмаркалари ташкил этилди.

(ЎЗА).



### Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ:** директор, унинг ўринбосарлари, илмий бўли мудирлари, руҳшунос, ёшлар етакчиларига (газ, электр энергияси ва ичимлик суви учун) маблағ ўтказилмапти. Шу тўғрисида?

**М.АБДУРАҲМОНОВА, Фориш тумани 47-ўрта мактабнинг ёшлар етакчиси.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 18 апрелдаги 178-сонли Қарори асосида яратилган имтиёзлардан куйидаги шахслар тоифалари — педагоглар фойдаланиши ҳуқуқига эгалар:

— барча хилдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари, педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсиядаги мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари;

— мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилари, ўқитувчилари, касб-хунар тизими ишлаб чиқариш усталари ва ўқитувчилари, олимпия захиралари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари, директор ўринбосарлари, устоз-мураббийлари, инструктор-методистлари, маданият ишлари вазирлигига қарашли болалар санъат ва мусика мактаблари директорлари, директор ўринбосарлари, ўқитувчилари, концерт мейстрлари, мактаб-интернат ва болалар уйлари махсус фан ўқитувчилари, мусика раҳбарлари, ҳамда шу тоифадаги педагогик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар;

— олий ва ўрта махсус таълим ўқув муассасаларининг профессор ўқитувчилари таркиби, илмий ходимлари ҳамда ўқув ёрдамчи ходимлари ва шу тоифадаги педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар.

**САВОЛ:** 1994 йилда пенсияга чиқ-

қанман, мактаб билан шартнома тузиб дарс бераман, пенсия пулини тўлиқ олишим мумкинми?

**Н.ЖУРАКУЛОВА, Фориш тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартда «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармон асосида 1999 йилнинг 1 июлидан

учун ҳақ тўланадими?

**С. РАЖАБОВА, Бухоро вилояти, Пешкў тумани 1-ўрта мактаб ўқитувчиси**  
**А. АМИРКУЛОВ, Сурхондарё вилояти Денов тумани.**

**ЖАВОБ:** Маълумки, мактаблардаги вақант соатларга молия бўлими томонидан маблағ ажратилади. Бўлиниб ўтилиши лозим бўлган синфларни қўшиб дарс бераётганлар шу вақант соатларга ажратилган (яъни, синфни бўлиб ўтиш лозим бўлган ўқитувчининг ставкаси ҳисобидан) маблағдан фойдаланишга ҳақлидирлар. Агар ўқув йили бошида синфлар бўлиниши керак бўлиб, лекин ўқитувчи битта бўлса, бундай ҳолларда ўқитувчига иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан иш ҳақи тўланиши мумкин.

**САВОЛ:** мен 1999 йилда Навоий педагогика билим юртининг «Бошланғич синф ўқитувчиси» бўлимини имтиёзли диплом билан тамомладим. Агар сиртдан олий ўқув юртига ўқишга кирсам, кўп қатори биринчи курсдан қабул қилишадими ёки юқори курсларгами?

**Азиза ҲАМРОЕВА, Бухоро вилояти.**

**ЖАВОБ:** Президентимиз ва ҳукуматимиз олий маълумот ололмаган, бироқ ўрта махсус билим юртини битириб, шу асосда ўқувчиларга дарс бериб келётган ўқитувчиларга олий таълим бериш мақсадида «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимига қабул қилувчилари тўғрисида»га Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 июндаги қарорини чиқарган. Олий маълумот олишининг учун ўрта махсус билим ва шу ишда 3 йиллик стажинг бўлмоғи лозим. Бундаги ўқиш 3 йилга мўлжалланган бўлиб, мутахассис (бакалавр) тайёрланади. Сиртки ўқишга тест имтиҳонлари топширасиз.



бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққан кейин, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интэрнатлари, «Меҳрибонлик уй» лари тарбиячилари, шунингдек, ишлашни давом эттираётган кутубхоначилар ва пенсияга чиқиб олтидан мазкур кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камидан 10 йил стажга эга бўлганларнинг тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқлари сақлаб қолинган. Сиз меҳнат қилишни давом эттираётган экансиз, демек 50 фоиз пенсия оласиз.

**САВОЛ:** агар мактабда 2 та хорижий тил ўқитувчиси бўлса-ю, шулардан бири касаллиги туғайли ёки бошқа ишга ўтганлиги сабаб бўлса, у ҳолда иккинчи ўқитувчига синфларни қўшиб ўтаётгани

## «БОЛАМА ЎХШАЙДИ ОВОЗИНГ СЕНИНГ»

**Фалокат оёқ остидадир дейдилар. Ҳозиргина ховлида чопкиллаб юрган Равшанжоннинг жонсиз гавдасини кўтариб киришганда Максудахон кўлида супурги билан хушсиз йиқилди.**

Ховли бир зумда аздорларга тўлди. Гўдакни юйиб-тараб тупроққа қўйиб келганларида ҳам, «учи», «пайшанбаси», «кирки» ўтганда ҳам онаизорнинг юраги бўшамади, йилгайверди. Айниқса, кенжатай Рустамжон ҳар кун, ҳар дақиқа уни излаб юрак-бағрини эзарди. Сабаб, ака-ука гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб, гоҳ суйкалишиб бир-бирларига суюниб улғайишарди.

Ёстиқдоши Юнусжон хотинининг азобланиши-ни кўриб чидамади. Андижон шаҳридаги виллоят халқ таълими бошқармасига қарашли 2-мехрибонлик уйига Максудахонни бошлаб борди. Кимдандир етим болалардан ўғилликка ола бўлади, деб эшитганди.

Уларни директор Комилжон Абдурахмонов кутиб олди.

Юнусжон бошидан ўтган фожеани гапириб, фарзандликка бола олгани келганларини айтиди. Директор чўқур ўйга ботди, иш осон кўчмаслигини, аввало, шаҳар ҳокимлигининг розилигини олиш, бир қанча меърий хужжатларни расмийлаштириш, муҳими, тарбияланувчининг раъйига қараш зарурлигини тушутирди...

Максудахон билан Юнусжоннинг болалар уйдан кетгилари келмасди. Равшанжониси чуввос солиб ўйнаётган болаларга қўшилиб кетган, бир дамда отаонаси бағрига ўзини отадигандек туюларди уларга.

Болаларга қўшилмай, дарахт остида расм чиқаётган Рафиқжонни кўрди-ю, Максудахоннинг юраги «жиз» этди. Чопиб бориб болани бағрига босаркан, ҳоври босилгандек бўлди. Рафиқжоннинг одамвиллиги, чакнаб турган кўзлари, бошини хиёл эгиб туриши Равшанжоннинг ўзгинаси эди. У бегона аёлниң пинжида нима қилишини билмай уялиб тураверди.

Равшанжонини қайта топдим... Юз-кўзлари, қилиқлари, овозлари боламга ўхшайди, Максудахон ана шу хаёллар оғушида Рафиқжондан ажрагиси келмади.

— Жоним, бизникига юрақол. Рустамжон деган укажонинг сени кўпаяпти. Икковлашиб мактабга борасизлар, Вело-

сипедча бор. Биргалашиб ўйнайсизлар. Йўқ деманг, ўғлим...  
Инсон доим меҳроқибатга ташна. Рафиқжон ҳам бир лаҳзада бу меҳрибон аёлга гўё боғланиб қолди. «Оила Кодекси» талаблари бўйича зарур хужжатлар расмийлаштирилгандан кейин унга Расулжонлар фамилияси берилди. Ҳа, меҳроқибат, муруват шундай қудратки, у қалбини қалбга туташтириб бегонани туғишганга айлантиради...

Мехрибонлик уйи хайр-саховат, файзу барака ёғилиб турган катта оилга ўхшайди. 98 нафар ўғил-қиз давлатимиз меҳрибонлигидан бахраманд. 57 нафар мураббий болалар атрофида парвона. Уларга боққанин сайин Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимди, доно, кучли ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган даъватлари ёдга тушади.

Тарбияланувчиларнинг йиллик сарф-харажатларига бюджет ҳисобидан 72 миллион сўм сарфланаётган экан. «Мехрибонлик уйи»да дастурхон тўкин. Бу ерда болаларнинг соғлом, билимдон ва одобли бўлиб-войяга етишишлари учун барча шароитлар мавжуд. Спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилди. Қиличбозлик, шахмат-шашка, кўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказиш одат тусига кирган. Бадий ҳаваскорлик, рассомчилик тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди.

Алишер Маматалиев бошлиқ санъат ихлосмандларининг «Ногиронлар кўни»га бағишланган тадбирдаги бадий чиқишлари барчага манзур бўлди. Тарбияланувчилардан Араббой Усмонов шахмат-шашка, Ваҳед Армен, Игор Филлиповлар қиличбозлик бўйича республика мусобақаларида совринли ўринларни эгалладилар.

Ёшларни меҳнатсевар, хунарманд, зукко қилиб тарбиялаш ва жисмонан чиниктиришда устозларнинг ўрни беқибос. Шифокор-педиатр Мархабоҳон Жалолова, мураббийлардан Галина Переверзенцева,

тиббиёт ходимларидан Розахон Хонкелдиевалар ёшларга ўз ота-оналаридек меҳрибон ва талабчан. Ички ишлар вазирлигига қарашли республика Олий милиция Академиясининг битирувчилари Саша ва Владимир Зубаревлар, Тошкент танк қўшинлари ўқув юртининг талабаси Ботир Турдиевлар ана шу меҳрибонлик уйида инсонлар бағрида камолга етганлар.

Андижонликлар азалдан болапарвар. Шунинг учун ҳам «Мехрибонлик уйи»дан саховаттешалар қадами узилмайди. Айниқса, бугунчи эҳтиёт қисмлар бўлаб чиқарувчи «ЎзСЭМЬ-ЮН» Корея-Ўзбекистон қўшма корхонасининг ҳомийлик ёрдамидан меҳрибонлик уйи жамоаси миннатдор. Корхона маъмурияти болажонларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Жорий йилда Андижон шаҳар савдо ва ишлаб чиқариш хиссадорлик жамоаси эса ўз ҳисобидан 270 миң сўмлик ўқув куроллари ва дарслиқлар етказиб берди. Шунингдек, «Наврўз» кўптармоқли фирма жамоаси ҳам болаларга 1,5 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди.

Нур борки, соя бор. Ўзгаларнинг фарзандларига юрагидан жой бериб ўғилли-қизли бўлган саховатпеша инсонлар қаторида, жигаргўшасини қалбидан узиб ташлаган тошмеҳр оталар, оналар ҳам бор. Боғишамол даҳасини А.Бакиров кўчасидан келган опа-ука Озода билан Жавлонбек Хонкелдиевларнинг еб-ичишдан, кийишдан камчиликлари йўқ. Аммо улар «Мехрибонлик уйи»нинг дарвозасидан мунг тўла кўзлари ни узоқлайдилар. Андижон шаҳар Тожик кўчасида туғилган Марат ва Наврўз Зулфировлар эса тушларида «онажоним, дадажоним!» деб нола қилишганини гапириб беришди.

Болажон халқимиз. Фарзандлар камолини ҳаётимиз мазмуни деб биламиз. Ана шу қадриятларимиз бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Меҳр-муҳаббатли элда, адолатпарвар жамиятда, саховатли инсонлар юртида ҳар бола меҳр оғушида ўсиб камолга етади. Зеро, Ҳадиси Шарифда айтилганидек, етим-есирлар бошини силамоқ, уларга муруват кўрсатмоқ, энг буюк савобли амалдир.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

## ЎҚИГАН ЎЗАР

Тошкент солиқ коллежидан Давлат солиқ қўмитаси, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг ПРАГМА корпорацияси, Германия техник ҳамкорлик жамияти ҳамда «Солиқ ва бошқа хабарлари» газетаси тахририяти ҳамкорлигида ташкил этилган республика ўқувчи ёшларининг «Мен солиқ ҳақида нималарни биламан?» танлови якунланди.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тақомил топиб, хусусий тармоқнинг изчил ривожланаётгани барча аҳоли, айниқса, ёшларнинг солиқ тўғрисида кенг маълумотга эга бўлишини тақозо этади. Мактаб ўқувчилари учун солиқ соҳаси билимлари бирмунча мураккаб бўлишига қарамай, мазкур танловнинг куйи босқичларидаёқ минглаб ёшлар фаол иштирок этиди.

Яқунловчи турда қатнашган 15 нафар зукко иштирокчидан уч нафари - тошкентлик Нусратилло Одилов, қашқадарёлик Усмон Отакулов, тошкентлик Элдор Насибулдин танлов голиби деб топилди. Уларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совгалари топширилди.

(ЎЗА).

## «Минитех — 2002» кўргазмасида

Назаримизда Қорақалпоғистон иқтисодиётининг истиқболини уч муҳим йўналиш — тобора кўпроқ топилётган ер ости бойликлари ва Кўнги-рот сода заводи салоҳиятини мамлакат манфаатларига йўналтириш, кишлоқ хўжалигини бугунги ер, иқлим, сув имкониятларига мослаштириш ҳамда кичик, ўрта бизнесни изчил ривожлантириш белгилаб беради.

фидри билан қизиқдик. — Баҳодир МИРХА-БИБОВ, Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги «Мирсава» хусусий фирмаси директори: — Икки кун давомиди

# ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР

Қорақалпоғистонда кичик бизнес ривожига «яшил чироқлар» ёқиб бериш учун имкониятлар оз эмас. Фақат бу соҳага сув билан ҳаводек зарур бўлган технологиялар, замонавий ускуналар керак, холос. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Дастурининг 19-банди, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатаси, «Бизнес-фонд», «Мадад» сугурта агентлиги ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда «Минитех-2002» кўргазмасини ташкил этган эди.

Кўргазма кўҳна Бухоро шаҳрида намойиш этилган сўнг Эллиққалъа заминига, ислохотларда ибрат кўрсатаётган туман маркази — Бўстон шаҳрига келди. Кўргазмада мамлакатимизда яратилган 40 га, хориж фирмаларининг 7 та мини-технологиялари, замонавий ускуналари, товарлари намойиш этилди. Улар орасида кўпчиликка маълум «Сайқал», «Шамс», «Мех-маш», шунингдек, Германиянинг «Пфаф-Зингер» каби пешқадам фирмалар бор. Кўргазмага Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 850 нафарга яқин

тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташриф буурди. Шу ернинг ўзиде мини-технологиялар, ускуна ва товарларни харид қилиш юзасидан 16 та шартнома тузилди. Уларнинг умумий қиймати 41 миллион сўмдан ошиб кетди. 137 миллион сўмлик бюртмалар муҳокама қилинди.

Энг муҳими, кўргазмада кичик ва ўрта бизнесдан ташқари аҳолининг ижтимоий аҳолини яхшилашга қаратилган шартномалар ҳам имзоланди. Мисол учун машур «Сайқал» фирмаси Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига 15 миллион сўмлик 100 та ногиронлар аравачасини, «Супромед» фирмаси Эллиққалъа туман маркази қасалхонасига 9,4 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналарини етказиб беради. Хўжалиқдаги С.Матжонов номидаги универсал бозор «ПГС» хусусий фирмасидан 2 миллион сўмлик замонавий ускуналар, Амударё туманидаги «Элтузар» кичик корхонаси «СВ Амурдарё воҳасининг иқтисодий ҳаётида уни-тилмас воқеага айлан-ди.

Дарҳақиқат, кўргазма ҳар томонлама самарали бўлди. Навбатдаги кўргазма Сурхондарё вилояти марказида намойиш этилади.

**Жайхун МИРЗО.**

## «Ишонч» фой этиди

# МАКТАБ БИНОСИ ҚАЧОН БИТАДИ?

жизга ёзилмаганлигига ишонч ҳосил қилди. Мактаб биноси ҳақиқатан ҳам фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган. Дастлабки бино қурилганда қурувчилар кўринишга ни йўқ. Дарвоқе, «кутубхона» гача қурувчилар кўринишга ни йўқ. Дарвоқе, «кутубхона»

ички йўллар бўлиб, яқин орада умуман таъмирланмаганлиги кўриниб турибди. Кўчаларнинг ўйдим-чўқурлигини айтмасам ҳам бўлади. Хўжалик аҳолисини ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш, қўлай шарт-шароит яратиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозимлиги шундоқ кўзга ташланиб турибди.


— Ҳамма нарса иқтисодиётга бориб тақалади, - дейди хўжаликка янги раҳбар бўлиб тайинланган Исроил Рўзиев. — Мактаб биносини қуриш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири. Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 86 фоизда қолиб кетди. Режа бажарилмаганидан сўнг иқтисодиёт ҳам ночор бўлиши тайин. Бу йил насиб этса ҳаммаси яхши бўлади.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтмоқчимиз. Олма пиш, озимга туш, деган билан иш битмайди. Ҳаракатда барақат. Бор имкониятлар ишга солинса, ташаббускорлик кўрсатилса, муаммолар ўз ўрнида ечимини топади. Режа ҳам бажарилади, мактаб ҳам битади.

Қишлоқда 720 хонадон бўлиб, 5750 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хўжалик раҳбариятининг тақдим этган маълумотига кўра газлаштириш 94 фоизга удалланибди. Аслида шундайми?

2001 йилда 1,8 километр ичимлик сув қувури тортилган. Умумий узунлиги 118 километр

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири. Суратларда: қурилиши чала қолган мактаб биноси.



# Қишлоқ меҳнаткашларининг республика «Саломатлик» спартакиадаси якунига доир

## ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

Термиз шаҳрида ташкиллаштирилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси ниҳоясига етди. 400 нафардан ортиқ спортчилар тўрт кун мобайнида мини футбол, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш, тош кўтариш, шохмот, шашка, миллий ва белбоғли кураш турлари бўйича голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мини футболнинг жонлик қизларни 2:0 ярим финал ўйинларида биринчи бўлиб майдонга наманганлик ва жиззахлик «чарм тўп» усталари тушдилар. Ўйин бошиданок Наманган вилояти вакиллари ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишди. Натижада биринчи бўлимда уч тўп фарқи билан олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда наманганлик футболчилар томонидан киритилган икки тўп уларнинг йирик ҳисобдаги галабаси (6:1)ни таъминлади. Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари жамоалари ўртасидаги иккинчи учрашувда мезбонларнинг яққол устунлиги сезилиб турди. Айниқса, Бахтиёр Хусанов, Шўхрат Нормуродов, Абдулмалик Жумаев, Иззатилла Салимов, Курбон Форулов сингари футболчиларнинг ҳаракатлари мухлисларга маъқул тушди. Мезбонлар Наманган вилояти футбол жамоаси билан ўтган финал ўйинида ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда эса пойтахт вилояти вакилларига омад кулиб боқди.

Шаҳардаги 1-ўрта мактаб спорт залида ўтказилган эркаклар ва аёллар ўртасидаги стол тенниси баҳслари ҳам мурасасиз кечди. Эркаклар ўртасида М.Насриддинов (Наманган вилояти), В.Ким (Тошкент вилояти) ва Н.Сатторов (Сирдарё вилояти)лар шохсупага кўтарилган бўлса, аёллар ўртасида И.Трунова (Тошкент вилояти), Н.Абдуллаева (Наманган вилояти) ва М.Тўхлиева (Сурхондарё вилояти)лар зафар кучишди.

Волейбол ўйинларининг ярим финал беллашувларида хоразмлик қизлар рақибларидан тактик маҳорати, пухта ўйланган чиройли комбинациялари билан ажралиб туришди. Шунинг учун ҳам ярим финал ўйинлари бошланиши аввалида кўпчилик айнан уларнинг финалга йўл олишини башорат қилганди. Мухлислар ҳақ бўлиб чиқди: анди-

жонлик қизларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган хоразмликлар финалда мезбонлар билан учрашдилар. Қарангки, финал баҳси «Уйингда деворлар ҳам суйайди» деган нақлни исботлади. Хоразмлик волейболчилар рақибларига муносиб қарши-


### Ислом КАРИМОВ:

**Спорт — спорт учун эмас, биринчи навбатда одамларга, уларнинг жисмоний, маънавий такомиллашувига, ... инсонлар ўртасидаги тинчликка, тотувликка, дўстлик ва ҳамкорликка хизмат қилиши лозим.**


лик кўрсатишган бўлсада, ҳал қилувчи палларда улардан омад юз ўғирди. Андижон вилояти жамоасини енгган наманганликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Шохмот баҳсларида сурхондарёлик Н.Нортоев ва Х.Ашуровлар барча рақибларини мағлуб этиб, ҳақли равишда шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. Кейинги ўринлар андижонлик ва қорақалпоғистонлик шохмотчиларга насиб этди. Шашка ўйинларида эса Андижон вилояти вакиллари биринчи бўлишди.

Мусобақалар якунланган, қадим ва навқирон Термиз шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳат уюштирилди. Спортчиларда айниқса Ал-Ҳаким ат-Термизий мейморий мажмуаси, мухташам Археология музейи катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг шаҳардаги «Боғшамол» оромгоҳида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган турли номинациялардаги совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди. Хушовоз хонандлар ижросидаги шўх куй-кўшиқлар эса тўкин дастурхон атрофида йирилган спортчилар, мурабийлар ва меҳмонларга олам-олам завқ бағишлади.



## ЗАМОНАВИЙ СУЗИШ ҲАВЗАСИ



### Кўтаринки руҳ бағишлади

Спартакиада биз учун чин маънода омадли келди. Гуруҳ ўйинларида ҳамжиҳатлик билан тўп суриб, ярим финал беллашувида жиззахликлар устидан галаба қозондик. Фақатгина финал ўйинида мезбонларга ютқаздик. Умумжамоа ҳисобида ҳам совринли иккинчи ўринни эгаллаганимиз фахрлидир. Мусобақалар аъло даражада ташкиллаштирилди. Ҳар бир жамоага махсус автобуслар бикритилиб, ётоқхона ва спорт майдонларида малакали тиббиёт ходимлари соғлиғимизни назорат қилиб бордилар, ташкилотчилар дои-

мо ҳолимиздан хабардор бўлдилар. Менга ва жамоадолларимга, айниқса, спартакиаданинг якунланиши муносабати билан ташкил этилган тадбир жуда ёқди. Тасаввур қилинг-а: тўрт кун давомда беллашувларда ўзаро рақиб бўлган спортчилар айна шу тадбирда бир дастурхон атрофида дўстона суҳбат курсалар, шўх куй-кўшиқлар завқидан баҳра олиб, шодон рақс тушсалар, қандай яхши!

**Гофур САМИЕВ,**  
Уйчи тумани,  
футболчи.

трести бунёдкорлари томонидан қурилиб, вилоят спортчиларига тўхта этилган бу сузиш ҳавзасида ўзига хос жиҳатлар жуда кўп. Барчанинг ҳавасини келтирадиган даражада жиҳозланган, замонавий андозаларга мос қошона лаёқатли спортчилар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон Президентининг «Дельфин» деб номланган аjoyиб сузиш ҳавзаси ишга туширилди. Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлигида амалга оширилган, «Сурхондарё сувқурилиш» тарбия ва спорт жамиятининг «Дельфин» деб номланган аjoyиб сузиш ҳавзаси ишга туширилди. Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлигида амалга оширилган, «Сурхондарё сувқурилиш» тарбия ва спорт жамиятининг «Дельфин» деб номланган аjoyиб сузиш ҳавзаси ишга туширилди. Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлигида амалга оширилган, «Сурхондарё сувқурилиш» тарбия ва спорт жамиятининг «Дельфин» деб номланган аjoyиб сузиш ҳавзаси ишга туширилди.

дими. Бирок, ҳеч қачон ҳозиргидагидек спортга бўлган юксак эътиборни кўрмаганим. Бугунги ёшларимизга ҳавас қиламан. Улар учун барча шариит муҳайё этилган. Бугун фарзандларимиз халқаро мусобақаларда голиб чиқишяпти. Шаҳримизда иш бошланган янги сузиш ҳавзаси касабаяушмаларининг халқимизга аjoyиб соғвасидир. «Дельфин» спортнинг мазкур тури бўйича ҳам Сурхондарёда номдор йигит ва қизлар етишиб чиқишига имкон яратди. Энг муҳими, у инсон саломатлигига хизмат қилади.

Шохмот ривожини оммавийлик билан чамбарчас боғланган. Каерда оммавийликка эришилса, ўша ерда мазкур спорт тури кишиларнинг энг семимли машғулотига айланиш билан бирга, кучли шохмотчилар ҳам етишиб чиқади. Спартакиаданинг шохмот мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилди. Масалан, Н.Нортоев, Х.Шукуров, Х.Ашуровларнинг ўйинлари ҳаммада илиқ таассурот қолдирди. Истагим, бундай қизиқарли мусобақалар тез-тез ўтказиб турилсин.

**Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,**  
шохмот мусобақалари ҳаками.

### ТААССУРОТЛАРИМ БИР ЖАҲОН

Мусобақалар менга унутилмас оиларни ҳада этди. Негаки, узок тарихга эга Термиз шаҳри, меҳмондўст Сурхон кишиларнинг қалбида чекисиз эҳтиром туйғуларини уйғотди.

Шундоққина азим Амударё бўйида жойлашган Ал-Ҳаким ат-Термизий мейморий мажмуасини зиёрат қилар эканман, шу буюк юрт фарзанди, шавқатли болболарим авлоди эканлигимдан чекисиз фахрдандим. Шаҳар кўркига кўрк, салобатига салобат қўшиб турган Археология музейи билан танишувим эса она Ватаним тарихига оид билимларини янада бойитди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли вилоятлари, туманларидан дўстлар, дугоналар орттирдим.

Хуллас, таассуротларим бир жаҳон. Бунинг учун меҳнаткашлар саломатлиги йўлида хайрли ишларни амалга ошираётган энг оммавий жамоат ташкилоти — касабаяушмаларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Нодира УЛЖАБОВА,**  
Тошкент тумани,  
шохмотчи.



I. XASANOV olgan suratlar.

### МАҲОРАТ ПИЛЛАПОЯСИ


Ўн йилдан буён халқаро тоифадаги спорт устаси Нажмиддин Худойбердиевдан кураш сирларини ўрганиб келаман. Ўтган йили Ат-Термизий хотира турнирининг бронза медалини қўлга киритган эдим. Маҳорат пиллапояларидан аста-секин юқорилашимда қишлоқ меҳнаткашлари ўртасидаги спартакиада беллашувлари муҳим рол ўйнамоқда. Хусусан, ўтган йили учинчи ўринни эгаллагандим. Бу гал ҳам 81 килограмм вазн тоифасида қатнашиб, худди шу натижани қайд этдим.

Мени сурхондарёлик Фарҳод Хўжамқуловнинг маҳорати лол қолдирди. Айниқса, финал баҳсида унинг самарқандлик рақибини саккиз сония ичида аjoyиб усул билан доғда қолдириши нафақат томошабинларни, балки биз полвонлар ҳамда кураш билимдонларининг ҳам олқишига сазовор бўлди.

Умуман олганда, миллий кураш мусобақаларида қатнашган полвонлардан кўп нарсани ўргандим. Бу сабоқлар келгуси мусобақаларда менга қўл келадими, албатта.

**Шўхрат МУСАЕВ,**  
Ургут тумани,  
полвон.

Саҳифани тайёрловчи: Камол ОЛЛОЁРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.



## ISHONCH

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

### Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.55

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Стовува эркин нарда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.